

ТАВАЛЛО ЛИРИКАСИДА ПОЭТИК ШАКЛ ВА МАЗМУН МУТАНОСИБЛИГИ

Рахмонова Дилдора

ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали катта ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7073523>

Аннотация. Уибу мақолада Тавалло лирикасидаги поэтик шакл ва мазмун мутаносиблиги ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: Тавалло, лирика, поэтика, поэтик шакл, поэтик мазмун, адабий санъат, вазн, аруз, бармоқ.

СООТНОШЕНИЕ ПОЭТИЧЕСКОЙ ФОРМЫ И СОДЕРЖАНИЯ В ЛИРИКЕ ТАВАЛЛО

Аннотация. В данной статье говорится о балансе поэтической формы и содержания в лирике Тавалло.

Ключевые слова: Тавалло, лирика, поэтика, поэтическая форма, поэтическое содержание, литературное искусство, аруз.

CORRELATION BETWEEN POETIC FORM AND CONTENT IN TAVALLO'S LYRICS

Abstract. This article talks about the balance of poetic form and content in Tavallo's lyrics.

Keywords: Tavallo, lyrics, poetics, poetic form, poetic content, literary art, weight, aruz, finger.

КИРИШ

Кўплаб манбаларда XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиётида шакл борасида янгланишлар даври сифатида кўрсатилади. Бунга сабаб сифатида эса давр воқеалари, кишилардаги тафаккурий эврилишлар, бошқа халқлар адабиётида билан ўзаро алоқаларни кўрсатиш мумкин. Туркистонда кечётган воқеалар деярли барча қалам соҳиблари ижодида акс этди. Аввалгиларга ўхшамаган ҳаёт тарзи ифодаси – янгича мазмун эса анъанавий шакл ва қолипларни, хусусан, арузни рад эта бошлади. Чунки муайян поэтик шакл маълум бир мазмунни фақат ўз имкониятлари доирасида ифодалайди. Замоннинг шиддаткор руҳини, янгиликларни ўқувчи руҳига таъсир эттириш учун эса янгича шакл изланишларига қўл урила бошланди.

Бу ҳақда У.Ҳамдамов қуидагича фикр билдиради: "...уларнинг шеърияти шаклан ҳар қанча арузий кўринмасин, мазмунан секин-аста давр руҳини, тўғрироғи, унда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар кайфиятини акс эттира бошлаганди. Шунга кўра, бизда ҳам "шеър тушунчаси асос-асосларидан ўзгаришга мажбур" эканлиги аён бўлиб қолган, шеърият шунга эҳтиёж сезаётган эди".

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тавалло ижодида ҳам ана шундай шакл ва мазмун мутаносиблиги йўлида изланишларни учратишимииз мумкин. Поэтик шакл ва ижодий услуб янгиланиши масаласини таҳлил қилишдан аввал шакл ва мазмун бирлиги тушунчасини ёритиб ўтсак.

Адабиёт назарияси бўйича изланишларида Б. Саримсоқов бу тушунчаларга қуидагича таъриф беради: "Бадиий адабиётда мазмун ва шакл муаммоси ҳақида гап кетганда, шаклнинг икки хил маънода тушунилишини унутмаслик керак. Биринчиси –

шакл мазмуннинг ифодаси эканлиги, иккинчиси – шакл мазмунга нисбатан бефарқ ташки ифода эмаслиги”.

Олим мазмунни ўта фаол ва ўзгарувчан категория сифатида кўрса, шаклни эса унга нисбатан барқарорроқ деб баҳолайди: “Шунга қарамай, даврлар ўтиши билан айrim жанрлар “эскириб” қолади, яъни давр талабларига жавоб бермай қолади ва истеъмолдан тушиб қолади. Натижада адабий жараёнга янги жанрлар кириб келади”.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Янги жанрлар бир қатор ижодкорларнинг муваффақиятли уринишлари ҳосиласи сифатида адабиётга кириб кела бошлади. Бу борада Таваллонинг ҳам ҳиссаси бор эди. У даставвал анъанавий вазнда ижод қиласа-да, мавзу ва сўз танлаш борасида бошқаларни тақрорламасликка, минг йиллик анъаналарни давом эттирмасликка уринди. Хослар шеърияти деб қаралгувчи арузда ҳижо талабига жавоб бермайдиган сўзлар жадид шеъриятининг халқчиллашуви маҳсули эди. Халқчиллашувдан мақсад эса миллатни уйғотиш. Шу сабабли жадид адабиётида “миллий шеър” аталмиш шаклан арузни, мазмунан бармоқни эслатувчи ижод маҳсуллари юзага келди. Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (1909), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Миллий ашуласлар” тўплами (1915), Таваллонинг “Равнақ ул-ислом (миллий шеърлардан 1-жузъ)” шулар жумласидандир.

Тавалло арузнинг гўзал намуналарини яратада олганини унинг ижоди билан танишган ҳар бир ўқувчи осон англайди. “Миллий шеърлар” эса поэтик шакл мезонларига кўра бироз бўшроқ. Бундай бадиий маҳорат етишмаётгандек кўринган ҳолатларни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элизимзни тушунувина ўнгай бўлсин учун” деб тушуниради. Жадид даври поэтикаси бўйича тадқиқотчи Н.Афокова эса “аруздан бошқа вазнга ўтишолди жараёнини акс эттирувчи ўзгаришлар” деб баҳолайди.

МУҲОКАМА

Таваллонинг “Хуррият ҳақинда табрикнома” ғазалига эътибор қаратамиз:

**Кўнка тушар/да шошманг, ар/зон жойин та/лошманг,
Бир-бир ила/ матошманг, чи/қингки дона/-дона.**

— — V — / — — V — / — — V — / — —

Айни шеърни ритмик-интонацион жиҳатдан бошқача шакллантирамиз:

1 2 3 4 5 + 1 2

Кўнка тушарда шошманг,

1 2 3 4 + 1 2 3

Арzon жойин талошманг,

1 2 3 4 + 1 2 3

Бир-бир ила матошманг,

1 2 3 4 5 + 1 2

Чиқингки дона-дона.

а-а-а-б тарзидаги қофияланиш яққолроқ кўзга ташланган иккинчи вариантда шеър пафоси ҳам аниқ сезилмоқда. Қолаверса, бундай мазмундаги шеърлар “моҳиятан кенг оммага қаратилган нутқ – ваъз” эканлигини, уларнинг яратилишидан пировард мақсад ҳалқни уйғотиш эканлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим.

“Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 11 май, 15-сонида эълон қилинган “Вақт ғанимат” шеърида ҳам худди шундай шаклий янгиланишга дуч келамиз:

**Етди энди,/ оталар, бидъатни сиз таш/ларга вақт,
Монеъ бўлманг,/ ум(у)р кўрсун,/ яшасун ёш/ларга вақт.**

V V — — / V V — — / V V — — / — V —

“Юз йил ўтиб ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган” “Оlamга бир назар” ғазалида ҳам ритмик-интонацион жиҳатдан кўпроқ бармоққа хослик кўринади:

**Осмондаги тайёralар
боқғил қаёнга боралар,
Эй нафс ила овворалар,
нечун кўролмайсиз ҳануз?**

Ушбу шеър ҳам мазмунан оммани уйғотишга қаратилган. Агар уни муаллиф “кўнгил озиғи” учунгина эзганда эди, балки бошқа шакл, бошқача сўзларга мурожаат этган бўларди. Янги ва номаълум нарса ҳамманинг эътиборини тортиши ҳақиқатидан келиб чиқиб, Тавалло “тайёра”, “ғромофон”, “гимноз”, “семнор” каби янги лексикага мурожаат этади. Сўз (яъни мазмун) янги, шакл ноодатий – эҳтимол, бу ўқувчини кўпроқ ўзига тортар? Ҳақиқатдан ҳам Таваллонинг бу мақсади амалга ошиди. Ойбекнинг, Насрулло Давроннинг эсдаликларига кўра “Равнақ ул-ислом” ўша пайтнинг энг кўп ўқилган китобларидан бўлган.

“Имтиҳон ҳақинда болалар тилиндан” айтилган ушбу шеър ҳам Таваллонинг шакл ва ижодий услуг янгиланишига мисол бўла олади:

Фарз бизларга, илм изларга,
Арз сизларга, бизни оталар.
“Мактабдур раҳбар, илм эрур гавҳар”,
Деди пайғамбар кўб ҳадисларда.
Ўқусун Куръон, ҳар мусулмон,
Яшасун урфон, яшасун миллат.

Тавалло лирикасида бу каби шеърлар кўплаб учрашини юқорида ҳам таъкидладик. Сабабларини ҳам баён этдик. Аммо бу изоҳлар яна бир саволни пайдо қилиш табиий. Нега замоннинг бу ўзгаришлари поэтик шакл янгиланиши орқали ифода этилиши керак? Бу омил, бизнинг назаримизда, кўпроқ ўқувчининг – ҳалқнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ. Яъни кескин сиёсий ўзгаришлар, очарчилик, мардикорчиликка олиш воқеалари, доимий зуғумлар, турмуш тарзининг тобора ёмонлашуви шароитида ҳалққа қурашувчилик, мардонаворлик руҳини бериш керак эди. Бу худди чақалоқ парваришида “Алла”, тўйда “Ёр-ёр”, таъзияда йўқлов-марсияларга эҳтиёж бўлгани каби ўзгача ритмга эҳтиёж билан боғлиқ эди. Мардикорлик қўшиклари орасида энг машҳурларидан бўлган “Қарғалар” қўшигини эслайлик. Бу ҳам инсон руҳиятининг муайян ритмга эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади. Ҳалқ оғзаки ижодига мансуб достон, эртақ, қўшикларда ҳам қаҳрамоннинг физиологик ва руҳий ҳолати ритмлар орқали кўрсатиб берилади. Биргина ритм воситасида биз воқеаларнинг тезлашаётганлиги ёхуд сустлашганлиги, поэтик образнинг қувонч ёки аламни ҳис этаётганлигини англаймиз. “Авазхон” достонидан келтирилган ушбу парчага эътибор қаратсан. Ҳасанхон дўстларини узоқ сафарга чорлаш мақсадида қирқ йигитга қарата шундай дейди:

Қани энди бунда ман-ман деганлар,

Гўрўғлиниң чойу тузин еганлар.

От кўтариб сатта шоввоз бўлганлар,

Мининг отга, бундан Хунхор борамиз.

Ушбу парча бармоқнинг 11 бўғинли ўлчовида, 4+4+3 вариантида. Энди асарда воқеалар фаол ҳаракатга кўчган ўринга эътибор қиласиз:

Ҳасан полвон бош бўлиб,

Бирдай кўзу қош бўлиб,

Бир-бирига сирдош бўлиб,

Хунхор қараб жўнашди,

Қирқ битта йўлдош бўлиб.

Бу парчада эса бармоқнинг 7 бўғинли ўлчови, 4+3 вариантидан фойдаланилмоқда. Демакки, асарга ўзгача рух, қўшимча маъно юклашда ритмнинг ўрни юқорилигини жадид даври ижодкорлари ҳам яхши англашган ва шаклий жиҳатдан янгиликларга тез-тез қўл уришган.

Тавалло шеъриятида “Муштум” журналида ижод қилган йиллар ўзига хос босқич бўлди. Энди у услугуб жиҳатидан ҳам, бадий маҳорат жиҳатидан ҳам аввалги Таваллони эслатмайди.

Таваллонинг “Муштум”га киритилган шеърлари ичида жамият ва миллат тараққиётига тўсқинлик қилувчи иллатлар қаламга олинади. “Мағзава”, “Мухбирча” тахаллуслари билан халқ ҳаётини рўй-рост кўрсатиб, мана шу иллатларни очиб ташлайди.

“Муштум”даги шеърларини ўқий туриб, ўқувчидаги бир савол туғилиши табиий: бадий ифода, анъанавий шакл, истеъодод жиҳатидан етарли даражада шаклланган адабнинг адабий мезонларга кўра кам тош босадиган асарлар ёзишига нима сабаб бўлди экан? Айримлар унинг жўн ва истеҳзоли ижод йўлига тушиб қолишига фарзанд доғига чидолмай ичкиликка берилгани сабаб дея кўрсатишади. Бизнингча, йўл бошида қўйилган улкан мақсадларнинг йўққа чиққани, бир умр курашилган орзунинг бошқалар томонидан топталгани унга кўпроқ таъсир қилган деб ўйлаймиз.

“Муштум” журналининг 1924 йил, 7-сон (11-бет)ида “Ҳозирғи пивохона ашуласи” эълон қилинади. Бу шеър мавзу, услугуб, ифода шакли ва воситалари жиҳатидан ҳам Тавалло ижодида янгилик эди:

Ошнамсан, ошнамсан,

Этуғимдаги пошнамсан.

Кўй пивангни, торт тевангни,

Бизга червон “ни почём?”

Арман тоғам пиваси,

Боғда пишган меваси.

Ўлдурадур шеваси

Милисалар “ни почём”.

Журналнинг 1924 йил 22 декабрь, 23-сон (6-бет)ида эълон қилинган “Муборакбод” шеъри эса халқ оғзаки ижодидаги шеърларни ёдга солади. “Янчилган ўзбек эли...” деб бошланадиган шеърнинг таг замиридаги маънони илғаб олиш ҳам кишидан катта меҳнат талаб этмайди:

Қадрингни билмаганлар ўз қадрини билолмас,

Берсанг унга вазифа, асло адо этолмас,

Бўлса гаранг қулоғи сўзга қулоқ осолмас,
Бошида мағзи йўқлар бир фойда ҳам ололмас,
Ҳой, ҳой дедим, ҳой ўзбек, сенга соқол муборак.
Амма-холаси ҳаводор!...

ХУЛОСА

Тавалло шеъриятида ўз даврига хос бўлган на бир услубий янгилик унинг макароник поэзияга ҳам қўл урганидадир. “Ажнабий сўзларни (варваризмларни) кўплаб киритиш натижасида яратилган кулгули сатирик ва юмористик шеърлар” ини асосан “Муштум” журнали орқали ўкувчиларга етказди. Мана, улардан бири:

“Издираст” “азнакум” десам қўчада,
Бир хотин ўхшатиб чунон урди.
“Бинават фажалист ” десам қарамай,
Судрабон тептилар, шўрим қуриди.
“Вот билат мен чилен” дедим йиглаб,
“Чўрт , ишак, молчи !” деб юзин бурди...

Шеър гарчи “Бир шўринг қурғур тилидан” баён этилаётган бўлса-да, унда ўша даврдаги миллатдошларимизга хос тил билмаслик, ичкиликка ружувъ қўйиш, алалоқибат, ўз Ватанида елка қисиб юришга мажбурлиги баён этилади.

REFERENCES

1. Rahmonova, D. Prayerfully and Uzbek national satire. *International Journal on Integrated Education*, 3(1), 35-38.
2. Mirzakarimovna, R. D. (2022). Literary-aesthetic thinking-a factor of renewal of poetic image in tavallo's work. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 195-199.